

Яхё алайҳиссаломга буюрилган беш амр



08:00 / 24.08.2020 3962

Ҳорис Ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ табарока ва таоло Закариё алайҳиссаломнинг ўғли Яхё алайҳиссаломга бешта буйруққа амал қилишни ва Бану Исроилни ҳам шунга буюришни амр қилди. Ийсо алайҳиссалом Яхё алайҳиссаломнинг Аллоҳнинг буйруқларини қавмга етказишга шошилмаётганини кўриб, «Аллоҳ сизга беш буйруққа амал қилишни, Бану Исроилни ҳам шунга буюришни амр этди. Уларга ўзингиз буюрасизми ёки мен буюрайинми?» деб сўради. Яхё алайҳиссалом: «Мендан олдин сиз айтсангиз, мени ер ютиб юборишидан ёки азобга учрашимдан қўрқаман», деди-да, қавмини тўплади. Қавм Байтул Мақдисга тўпланди. Масжид тўлиб, одамлар айвонларга ҳам ўтиришди. Сўнг Яхё алайҳиссалом шундай ваъз қилдилар: «Аллоҳ мени бешта ишга амал қилишга ва сизларни ҳам шунга амал қилишга буюрди.

Биринчиси – Аллоҳга ибодат қилинг ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманг. Аллоҳга ширк келтирган одам ўзининг молидан тилла ёки кумушга бир қул сотиб олиб, «Бу менинг ҳовлим, мана бу иш. Ишлаб, ҳаққимни адо қил», деса, унга эмас, бошқа одамга ишлаган қулга ўхшайди. Қайси бирингиз ўз қулининг шундай бўлишини хоҳлайди?

Иккинчиси – Аллоҳ сизларга намоз ўқишни буюрди. Қай бирингиз намоз ўқиса, диққати чалғимасин, чунки Аллоҳ таоло (намозда) диққатини жамлаган бандасининг юзига қарайди.

Учинчиси – Аллоҳ сизларга рўза тутишни буюрди. Рўза тутган одам мушк солинган ҳамёнга ўхшайди, унинг ҳидидан ҳамма роҳатланади. Рўзадорнинг ҳиди эса Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан ҳам яхшироқдир.

Тўртинчиси – Аллоҳ таоло сизларга закот беришни буюрди. Садақа қилган киши душман асирга олган кишига ўхшайди. Унинг қўлларини бўйнига боғлаб, калласини олиш учун олиб келишади. Шунда у: «Мен ўзимни сизлардан оз ёки кўп мол-дунё билан қутқараман» деб, моли эвазига улардан қутулади.

Бешинчиси – Аллоҳ сизларни зикр қилишга буюрди. Зикр қилган одам изидан қувиб келаётган душмандан қочиб, мустаҳкам қўрғонга кириб олиб, улардан ўзини қутқарган кишига ўхшайди. Шунингдек, банда шайтондан фақат Аллоҳ таолони зикр қилиш билангина қутулади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан